



ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Бекмуратова Раиса Тенгелбаевна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6372885>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 17-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

одил судловни амалга
ошириш учун
жавобгарлик, жазо
тайинлаш ва жазодан
озод қилиш, жиноят учун
жазонинг муқаррарлиги

ANNOTATSIYA

Мақолада жиноят ҳуқуқида одил судловни амалга оширишга қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалалари ҳамда мутахассисларнинг илмий изланишлари ўрганилиб одил судловни амалга оширишдаги жавобгарлик масалалари муоаммалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида суд-ҳуқуқ соҳасида мамлакатимизда том маънодаги мустақил суд тизими шакллантириш, одил судловни амалга оширишга қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалалари жамланган меъёрларни кенгайтириш назарда тутилган.

Жиноят учун жавобгарлик - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳуқуқ қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишда ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай жиноий жавобгарлик жиноий-ҳуқуқий муносабат доирасида мавжуд бўлиб,

мазкур муносабат жиноятни содир этиш ҳолатидан, яъни ҳуқуқий норма билан тартибга солинадиган юридик фактдан пайдо бўлади. Мазкур юридик ҳодиса уни содир этишда айбдор деб топилган шахс билан жиноий қилмишларга қарши кураш вазифасини амалга оширувчи ваколатли давлат идоралари ўртасида махсус муносабатларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг умумий қисмининг XVI боби “Одил судловга қарши жиноятлар”га бағишланган бўлиб, унда одил судловга қарши жиноятлар турлари ҳамда ушбу жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Одил судловга қарши жиноятлар қаторига Жиноят кодекси моддарида назарда



тутилган қўйидаги жиноятлар киритилган:

230-модда - айбсиз кишини жавобгарликка тортиш,

230-1-модда - далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш),

230-2-модда - тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш,

231-модда - адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш,

232-модда - суд ҳужжатини ижро этмаслик,

233-модда - банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш,

234-модда - қонунга ҳилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш,

235-модда - қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларни қўллаш,

236-модда - тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш,

237-модда - ёлғон хабар бериш,

238-модда - ёлғон гувоҳлик бериш,

239-модда суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш,

240-модда - жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан буйин товлаши,

241-моддаси - жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш,

241-1 моддаси - жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган.

Суриштирув, дастлабки тергов босқичларида одил судловнинг манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари

мазкур жиноятларнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил этилаётган жиноятлар таркибининг объектив томони айбсиз шахсларни қонуний жавобгарликка тортишдир. Бу қилмиш - қонунни қўпол равишда бузиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси одил судлови манфаатларига риоя қилмаслиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда оқланиши мумкин эмас” деб кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 4-моддасида “Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмайд туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга ҳилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас” деб таъкидланган.

Айбсиз кишини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳукмнинг чиқарилиши ва айбнинг эълон қилинишидан бошлаб тугалланган деб ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасд билан изоҳланади. Сабаби прокурор, терговчи, суриштирувчи ва суд айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортаётганлигини билади ва мазкур хатти-ҳаракатни истади. Айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мотивлари - қасд, амалпарастлик, ўч, ҳасад ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Ҳар қандай сабаб жиноятнинг муқаррар белгиси бўлмайд ва у жиноий жавобгарликка таъсир этмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг лавозимли шахслари, шунингдек, муайян иш юзасидан одил



судловни амалга ошириш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган шахслар мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 231-моддасида олдиндан бида туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ўша ҳаракатлар одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Жиноятнинг бевосита объекти одил судлов органларининг нормал фаолияти, суд ҳокимиятининг обрўи, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг манфаатлари ҳисобланади. Жиноятнинг предмети судья томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар: ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича қабул қилинган адолатсиз ҳукмларнинг энг кўп учрайдиган турларига қўйидагилар киради:

айбловнинг исбот этилмаганлиги (айбсиз шахснинг судланганлиги);

айбдорнинг айби исбот этилганда уни оқлаб чиқариш;

жиноятни оғирлаштириш ёки енгиллаштириш тарафига олдиндан нотўғри квалификация қилиш оқибатида мустақил тарзда асоссиз жуда оғир ёки жуда енгил жазо тайинлаш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган адолатсиз ҳукм турлари моддий қонуннинг жиддий бузилиш билан тавсифланади. Шунингдек, жиноят-процессуал қонун-қоидаларнинг жиддий бузилиши

(судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқининг бузилиши, ҳимоячи билан таъминламаслик, охириги сўз берилмаслиги ва бошқа ҳолатлар) оқибатида ҳукм адолатсиз ҳисобланади.

Судьяни адолатсиз қарор чиқаришга ноқонуний кўрсатма берган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ЖК нинг 28 ва 231-моддалари билан баҳоланиши лозимлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 232-моддасида суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорини қасдан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Мазкур жиноятнинг объекти суднинг ва суд ҳужжатларини ижро этиш билан шуғулланадиган давлат органларининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан буйин товлаш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Суднинг тегишли ҳужжатини бажариш учун қонунда кўрсатилган муддат тугаган ёхуд унинг бажарилишига тўсқинлик қилишга



қаратилган ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади. Бунда қандайдир оқибатларнинг келиб чиқиши талаб этилмайди, бироқ булар суд томонидан эътиборга олиниши мумкин.

ЖК 232-моддасида кўрсатилган жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор суд ҳукми, ҳал қилув қарорини бажармаётганлигини ёхуд бажаришга тўсқинлик қилаётганлигини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни ҳоҳлайди. Лекин бу ҳолатда мотив аҳамиятга эга бўлмайди, бу ғаразлик ният, шахсий манфаатдорлик, нотўғри тушунилган хизмат манфаатлари, биродарлик туйғуси ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Жиноят субъекти эса 232-моддаси биринчи қисми бўйича 18 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар, иккинчи қисми бўйича эса фақат мансабдор шахслар-юборилган суд ҳужжатларини бажариш ваколати доирасига кирувчи ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари бўлиши мумкин.

Одил судловга қарши жиноятларнинг бири қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 234-моддасида:

Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир

йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан;

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланаши кўрсатилган.

Мазкур жиноятнинг объекти суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг нормал фаолияти ва обрўи, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, объектив томони эса қонунга хилоф равишда ушлуб туришда, яъни шахс эркинлигини қисқа муддатга чеклашда ифодаланади.

Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилиб, айбдор ўзи амалга ошираётган ушлаб туриш ноқонуний эканлигини англайди, бироқ шунга қарамасдан ёки бошқа мотивлар билан ушлаб туришни амалга оширишни ҳоҳлайди ёхуд ушлаб турилган шахсни белгиланган жойда тегишли муддатдан ортиқ муддатга ушлаб туради. Жиноят субъекти эса фақат махсус шахслар: яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин.

Шунингдек ЖК нинг 235-моддасида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний



принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деб, 26-моддасида эса “ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас” мустаҳкамлаб қўйилган. Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, мазкур модданинг биринчи қисмидаги жиноят учун муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, иккинчи қисми учун эса муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Шунингдек 236-модда тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, 237-модда ёлғон хабар бериш, 238-модда ёлғон гувоҳлик бериш, 239-модда Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, 240-модда жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши, 241-моддаси жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш, 241-1 жиноятни ҳисобга олишдан қасдан яшириш жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган.

Давлат раҳбаримиз ўз маърузаларида “Суд биносига келган

ҳар-бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак, Ўзбекистонда судьялар конунларнинг толмос ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳам утунлари бўлиши керак”-деб таъкидлаган эди. Шу боис судлар томонидан ҳукм чиқаришда Конституцияда ва Жиноят-процессуал кодексида белгиланган одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни, қадр қимматини ҳурмат қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита текширилиши, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш сингари жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришишдаги асосий вазифалари белгиланиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йили 26 август куни Самарканд шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда: “Янги Ўзбекистонни янги тарихини яратаяпмиз, бунда сизларнинг ҳиссаларинг жуда катта. Ҳисса нимадан иборат: адолат, адолат яна бир маротаба адолат”-деб айтган эди.

Ҳар қандай суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади шу боис ҳар қандай ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт бўлиб ҳисобланади. Суд муҳокамасини қандай бўлмасин чеклашларга, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш, таҳдид қилиш ёхуд суд фаолиятига мансабдор



шахс ёки фуқаронинг қай тарафдан ва қандай масалада бўлмасин аралашишига йул қуйилмайди.

ЎЗР ЖК нинг 10-моддасига асос қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Жиноий-ҳуқуқий

жавобгарликнинг муқараррлиги принципи жиноятни содир этган ҳар бир шахснинг, мазкур жиноят учун жавобгар эканлигини ифодаладиган асосий қоида ҳисобланади. Ҳар қандай жавобгарлик чораси Жиноят кодекси 8-моддасининг 1-қисмида кўзда тутилган мезонларга ва Кодекснинг бошқа тамойиллари, яъни конунийлик, фуқароларнинг конун олдида тенглиги, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқараррлиги принципларига асосан белгиланади. Яъни, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона булиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг

ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ булиши лозим. Ҳеч ким битта содир этилган жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Шахс конунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар булади.

2018 йил 4 апрельдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш буйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Унда Жиноят кодексида далилларни, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштирганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи моддалар киритилгани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари мансабдор шахсларининг маъсулиятини янада оширди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1995 йил 1-сон.
4. Гулямов З.Х. Преступления против правосудия /Ж.Экономика и статистика 1997. №1 - 66-67
5. Рустамбаев Мирзаюсуп хакимович. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 4-том.